

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВ АЛИЖОН ИТОЛМАСОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ  
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD) диссертацияси мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on philological sciences**

**Сафаров Алижон Итолмасович**

Ўзбекистонда ҳарбий журналистиканинг шаклланиш ва ривожланиш  
тамойиллари .....5

**Сафаров Алижон Итолмасович**

Принципы формирования и развития военной журналистики  
в Узбекистане.....23

**Safarov Alijon Itolmasovich**

Principles of the formation and development of military journalism  
in Uzbekistan.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Ph.D.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**САФАРОВ АЛИЖОН ИТОЛМАСОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ  
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**10.00.09 – Журналистика(филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fil1693 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzjoku.uz](http://www.uzjoku.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Саидов Халим Амонович</b> филология фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Маматова Якутхон</b> филология фанлари доктори  <b>Негматов Бобур</b> фалсафа фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашининг 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; email: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com)).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06.

Диссертация автореферати 20\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.А.Мўминов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

**Н.Ф.Муратова**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш илмий котиби,  
филология фанлари номзоди, доцент

**Қ.Т. Ирназаров**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда глобллашув жараёнлари чуқурлашиб, жамият ҳаётида шиддатли ўзгаришлар кечаётган фурсатда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ахборотлари холислиги, мазмун-моҳияти ва тарқатиш усулларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бинобарин, дунё ҳамжамятида демократлашув ва тараққиёт тамойиллари билан биргаликда геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ҳамда “ахборот урушлари” оқибатида жаҳоннинг турли нуқталарида парокандалик, янгидан-янги уруш, тартибсизлик ва ғалаён ўчоқлари пайдо бўлмоқда. Зотан, тартибсизликларнинг олдини олиш ва ахборотлар оқимини мувофиқлаштиришда уруш ўчоқларидан тарқатиладиган холис ахборотлар мамлакат ва жамият ҳамжиҳатлиги, тинчликни сақлаш ва “ахборот урушлари”га чек қўйишда муҳим роль ўйнайди. Бундай вазиятда ҳарбий журналистика соҳасини ривожлантириш халқаро амалиётда муҳим ва долзарб эканлиги таъкидланмоқда.

Дунёда зиддиятли вазиятлар, қуролли тўқнашувларда ҳарбий журналистиканинг ўрни ва аҳамияти, муаммолари, ҳарбий жараёнларда журналистика тарихини ўрганиш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳарбий журналистиканинг экстремал ҳолатларда ахборот таъминотидаги тарғибот ва ташвиқотчилик, ахборот-психологик таъсир этиш, аксилтарғибот билан боғлиқ йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида мамлакат ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноатини модернизация қилиш ва ҳарбий таълимни ривожлантириш, ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. “Сўнгги йилларда биз “Халқ ва армия – бир тану бир жон” деган эзгу тамойил асосида Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш, давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш бўйича муҳим ислохотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Давлат мудофаа саноати қўмитаси тузилди... Бугунги кунда миллий армиямизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир жанговар кучга айланиб бораётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир”<sup>1</sup>. Мамлакатимизда сўнгги беш йилда олиб борилаётган очиқлик сиёсати натижасида ҳарбий соҳадаги янгиликлар оқимида миллий мафкурамиз йўғрилган ахборотлар билан муносабат билдириш муҳим вазифага айланиб, ҳарбий журналистикадаги замонавий ёндашувларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. [https://uza.uz/uz/posts/vatanimiz-mustaqilligi-biz-uchun-kuch-qudrat-va-ilhom-manbai-taraqqiyot-va-farovonlik-asosi\\_298190](https://uza.uz/uz/posts/vatanimiz-mustaqilligi-biz-uchun-kuch-qudrat-va-ilhom-manbai-taraqqiyot-va-farovonlik-asosi_298190). Мурожаат вақти: 21:10 / 31.08.2021.

тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда ҳарбий журналистика тарихий аспекти, ҳарбий журналист фаолияти йўналишида З.Саидов, Т.Эрназаров, А.Акбаров, Н.Абдуазизова, Б.Дўстқораев, Х.Дўстмуҳаммад, Р.Шамсутдинов, Н.Қосимова, Н.Хамаев илмий тадқиқотлар олиб боришган<sup>2</sup>.

МДХ давлатларида М.Погорельский, И.Сафранчук, Н.Волковский, В.Элбакян, И.Панарин, Р.Ръювени каби олимлар замонавий ҳарбий журналистика, ҳарбий ҳаракатлар ҳудудида журналист фаолияти, ахборот урушида ҳарбий журналистиканинг ўрни билан боғлиқ масалаларда тадқиқотларни амалга оширган<sup>3</sup>.

АҚШ, Шимолий Америка, Европа давлатларида Р.Говард, М. Mathien, С. Beauregard, А. Canuel, J. Coutard, Р. Knightley, М. Ferro, R. MacArthur, R. Keeble, D. Wolton каби хорижий мутахассис ва тадқиқотчилар ҳарбий журналистика амалиётида шаклланган тенденцияларни таҳлил қилиш, қуролли тўқнашув,

<sup>2</sup> Саид З. Танланган асарлар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б.208. Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Узбекистана, –Т.: Уқитувчи, 1976. – С.247. Абдуазизова Н. Тошкент матбуоти. – Т.: Академия, 2010. – Б.186. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б.380. Дўстмуҳаммад Х. Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси. –Т.: Perfect print, 2011. –Б.144. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари (иккинчи китоб). – Т.: Академнашр, 2017. – Б.736. Қосимова Н. Зиддиятли вазиятларда журналистика. –Т.: Ўзқитобсавдонашриёти, 2020. – Б.254. Хамаев Н. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот // Ўтмишга назар. – 2019. № 10.

<sup>3</sup> (Ред.-сост. Погорельский М., Сафранчук И. Современная военная журналистика: опыт, проблемы, перспективы., - М.: Гендальф, 2002. – С.253; Волковский Н.Л., Военная журналистика русского зарубежья/ Журналистика русского зарубежья. СПб., 2004.; Элбакян В., Справочник для журналистов, работающих в районах военных действий. М.: 2002.; Панарин И. Н. Информационная война и дипломатия / И. Н. Панарин. М.: Городец, 2004. -С.526.; Ръювени Р. Советская журналистика в период войны в Афганистане (1979-1989). <http://www.academia.edu/6185048/> Советская журналистика в период войны в Афганистане 1979-1989. Дата обращения: 12.08.2020.

экстремал шароитларда ҳарбий журналист фаолияти, медиа маконда ҳарбий журналистиканинг ривожланиш жараёнларини илмий-назарий ўрганиш каби муаммоларга эътибор қаратишган<sup>4</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ҳарбий журналистика, унинг тарихий, илмий-назарий асослари, мустақиллик даврида шаклланган ўзбек ҳарбий журналистикасининг ривожланиш тендециялари ва тамойиллари етарлича ўрганилмаган ва умуман тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Масс-медиа назариялари, тарихи ва истиқболининг долзарб муаммолари” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида ҳарбий журналистиканинг илмий-назарий асосларини, мустақиллик даврида шаклланган ўзбек ҳарбий журналистикасининг тарихий ривожланиш босқичларини, янги Ўзбекистон Қуролли Кучлари ислохотларидаги тенденцияси ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

илк бора мустақил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг замонавий модернизация қилиниши ва ҳарбий журналистиканинг алоҳида ихтисослик сифатида шаклланиши тарихий аспектларини тадқиқ қилиш;

мамлакат мудофаа сиёсати ва стратегиясида ҳарбий соҳага ихтисослашган оммавий ахборот воситалари (босма нашр, теле-радио кўрсатув ва эшиттиришлар)га эҳтиёжнинг юзага келиши ва унинг аҳамиятини ўрганиш;

Қуролли Кучлар тизими, унинг ҳарбий амалиёти, маънавий-маърифий ишларни тизимли ва салоҳиятли тарғиб-ташвиқ этишда журналист кадрлар ихтисослашувининг аҳамияти ва мазкур соҳадаги муаммоларни таҳлил этиш;

ҳарбий соҳани ёритишга ихтисослашган ОАВда журналистика жанрларини тасниф этиш ва уларнинг ўзига хос аҳамиятини очиб бериш;

ҳарбий журналистикада конфиденциаллик масаласини тадқиқ этиш ва профессионаллик мезонларини белгилаш;

---

<sup>4</sup> Журналистика конфликта. Пособие Росса Говарда изданное организацией Международная поддержка медиа (International Media Support (IMS) и IMPACS: <http://www.mediasupport.org/wp-content/uploads/2012/11/ims-csjhandbook-2004.pdf>) Дата обращения: 12.08.2020; Michel Mathien, L'information dans les conflits armes – du Golfe au Kosovo, L'Harmattan, Paris, 2001; Claude Beauregard, Alain Canuel, Jerome Coutard, Les medias et la guerre – de 1914 au World Trade Centre, Editions du Meridien, Montreal, 2002; Philip Knightley, The First Casualty – the War Correspondent as Hero & Myth-Maker from the Crimea to Iraq, Johns Hopkins, Baltimore, 2004; Marc Ferro, L'information en uniforme, Ramsay, Paris, 1991; John R. MacArthur, Second Front – Censorship and Propaganda in the Gulf War, Hill & Wang, New York, 1992; Richard Keeble, Secret State, Silent Press – New Militarism, the Gulf and the Modern Image of Warfare, University of Luton Press, Luton, 1997; Dominique Wolton, War game – L'information et la guerre, Flammarion, Paris, 1991

глобаллашув жараёнида ҳарбий журналистиканинг медиа макондаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил этиб, қуролли тўқнашув, экстремал шароитларда журналистик фаолиятга доир тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муассислигидаги ҳарбий соҳага ихтисослашган босма ОАВси фаолияти белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ҳарбий соҳага ихтисослашган республика нашрининг мамлакатда тинчлик ва осойишталикни барқарор таъминлаш, ахборот хуружларига қарши курашиш ва мудофаа тизимидаги ислоҳотлар ҳамда ундаги мавжуд муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этган материаллар таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, моделлаштириш), узвийлик, индукция, дедукция, прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш ва бошқ.) усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Туркистонда газета ва журналлар нашр қилинган даврдан бошлаб ҳарбий соҳага тааллуқли мақола ва хабарлар асосида эълон қилинган маълумотларнинг тарғибот ролидаги ахборий, аксилтарғибот ролидаги коммуникацион-манипулятив, жамоатчилик фикри устидан назорат ўрнатишга қаратилган ижтимоий-психологик таъсири исботланган;

Ўзбекистон ҳарбий ОАВсининг асосий моделлари, тузилмавий хусусиятларини замонавий медиа технологиялари ёрдамида шакллантириш ва ривожлантиришнинг ахборот тайёрлаш ҳамда тарқатиш жараёнидаги конвергентлиги билан боғлиқ тенденциялари аниқланган;

фавқулодда, экстремал шароитларда ишончли ахборот бериш, маълумот конфиденциаллигига риоя қилиш зарурати ҳамда масъулиятини ҳисобга олишдан, замонавий ҳарбий ҳаракатлар театрининг кенгаётган таъсир кўлами талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий мухбирларнинг ахборот билан ишлашдаги ҳуқуқи, давлат сирларини сақлашдаги мажбуриятига оид фаолият принциплари аниқланган;

мамлакат мудофаа сиёсатида матбуотнинг, ҳарбий ОАВнинг хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва демократик принципларга асосланган ахборий жамият назариясига хос ижтимоий институт сифатидаги функционал аҳамияти далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мамлакатда тинчлик-тотувликни таъминлаш, чегаралар дахлсизлиги ва хавфсизлигига фуқароларда ишонч уйғотиш орқали давлат тараққиётига дахлдорлик ҳиссини тарбиялашда Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотларни ОАВда кенг ёритишнинг ижтимоий институт сифатидаги таъсири кўрсатиб ўтилган;



ижтимоий ахборотнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ҳарбий мавзудаги ахборотларга ихтисослашган нодавлат электрон порталини яратиш таклифи берилган;

ҳарбий журналист кадрлар ихтисослашуви муаммолари бўйича амалий тажрибалар кўрсатиб ўтилган;

конфиденциал характерга эга бўлган ахборотлар тоифасини аниқ белгилаш ва ахборотни муҳофаза қилишнинг идоралараро муайян тартибини ишлаб чиқишга доир тавсия берилган;

ҳарбий журналистиканинг медиа макондаги ўрни ва аҳамияти борасида илмий-назарий қарашлар бўйича таклиф-тавсиялар берилган;

“Ихтисослашган журналистика” (9-жилд) мавзусида илмий-оммабоп нашр яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, назарий қарашлар ва хулосалар назариётчи олимларнинг фикрлари билан асослангани, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, шунингдек, тажрибаларнинг таҳлили ва натижаларининг сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳарбий журналистиканинг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияси, жамиятнинг демократлашувида ахборот жанрларининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитлар асослаб берилганлиги, ҳарбий журналистика бўйича хорижий тажрибалар қиёсида назарий тавсиялар яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш ҳамда фалсафа йўналишларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурлари яратиш, амалиётчи журналистлар учун услубий қўлланма, тавсияномалар, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда муҳим манба бўлиб, ҳарбий журналистикага ихтисослашган таҳририятлар ташкилий тузилмаси, улар қошида ташкил этилган маҳорат мактабларида амалий машғулотлар ўтказиш ҳамда кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ҳарбий журналистика шаклланиши ва ривожланиши тамойиллари тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

мамлакат мудофаа сиёсатида матбуотнинг, ҳарбий ОАВнинг хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва ижтимоий институт сифатидаги функционал аҳамияти бўйича хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ижтимоий йўналтирувчи вазифаларида ҳамда “Гвардия” Бирлашган таҳририятининг ижодий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2021 йил 16 апрелдаги 17/152-сон, “Гвардия” Бирлашган таҳририятининг 2021 йил 16 апрелдаги 3-сон маълумотномалари). Натижада журналистларнинг ихтисослашувида ва касбий маҳорати ошишида ёрдам берган;

ҳарбий соҳага тааллуқли мақола ва хабарлар асосида эълон қилинган маълумотларнинг тарғибот ва аксилтарғибот ролидаги таъсиридан Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ғалаба” боғи ёдгорлик мажмуасининг Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган ҳиссасини илмий асослашга йўналтирилган фаолиятида фойдаланилган (Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ғалаба” боғи ёдгорлик мажмуасининг 2021 йил 16 апрелдаги 152-сон маълумотномаси). Натижада Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистоннинг ўрни билан боғлиқ жараёнда манба сифатида ёрдам берган;

Ўзбекистон ҳарбий ОАВсининг ахборот тайёрлаш ҳамда тарқатиш жараёнидаги конвергентлиги билан боғлиқ тенденцияларини ўрганишдан келиб чиқадиган таклиф ва тасвиялардан “Ватанпарвар” Бирлашган таҳририятининг аудиторияни жалб этиш ва матбуот визуаллашувидаги фаолиятида фойдаланилган (“Ватанпарвар” Бирлашган таҳририятининг 2021 йил 20 майдаги 290-сон маълумотномаси). Натижада “Ватанпарвар” Бирлашган таҳририяти газета ва журнали, интернет ресурслари учун конвергент материаллар сифати ошиб, ахборотни мультимедиавий узатиш усуллари самарадорлиги ортган;

фавқулодда, зиддиятли ва экстремал шароитларда ҳарбий журналист фаолияти принципларидан келиб чиқадиган хулосаларидан “Муҳофаза+” журнали ва “Вазият” газетаси Бирлашган таҳририятининг ахборот-коммуникацион фаолиятида фойдаланилган ( “Муҳофаза+” журнали ва “Вазият” газетаси Бирлашган таҳририятининг 2021 йил 16 апрелдаги 24-сон маълумотномаси). Натижада журналистларнинг фавқулодда, экстремал шароитларда ишончли ахборот бериш, маълумот конфиденциаллигига риоя қилиш масъулияти бўйича билим ва кўникмалари такомиллашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та илмий-оммабоп нашр (ҳаммуаллифликда), 8 та тезис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация

мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг ишончлилиги асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг “Ўзбекистонда ҳарбий журналистиканинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ҳарбий журналистика шаклланишининг тарихий аспекти, ҳарбий журналистиканинг медиа макондаги ўрни, мустақил Ўзбекистоннинг муҳофаа сиёсатида ҳарбий ОАВнинг аҳамияти ўрганилган. Мазкур масаланинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистонда ҳарбий журналистика илмий-назарий асослари мамлакатимиз ва жаҳон тарихи, унда кечган муҳим жараёнларда, жамият ижтимоий онгининг муҳим бир бўлаги сифатида намоён бўлишида ҳамда фуқаролар онгидаги мамлакат муҳофаа си соҳасида, янги Ўзбекистонга мос ўзгаришларда, ҳарбий журналистиканинг зиддиятли вазиятлар, ҳарбий ҳаракатлар, қуролли тўқнашувлар жараёнидан ижтимоий фикрга ахборот беришидаги ўзига хосликлари мисолида таҳлил қилинади.

Тарихчилар ҳарбий журналистика пайдо бўлиши асосларини қадимда саркардалар ёнида юрган, барча кўрган-кечирганларини қоғозга тушириб борган шахслар фаолияти мисолида кўрсатишади. Масалан, Александр Македонский кўшинида уруш тафсилотларини ёзиб борадиган махсус кишилар бўлган<sup>5</sup>. Юртимиз ҳарбий журналистикаси тарихини шу маънода **биринчидан**, узоқ ўтмишда бугунги ҳарбий журналистикага яқин фаолият ривожланган даврдан, **иккинчидан**, Туркистонда газета ва журналларни нашр этиш бошланган чоризм истилоси, шўролар ҳукмронлигидан то мустақил Ўзбекистонда ҳарбий ОАВ ташкил этилган давргача танқидий ўрганиш мумкин.

Улардан дастлабкиси 8-аср тарихидан ахборот берувчи, Мўғулистоннинг Баин Цокто манзилдан топилган Тунюқуқ битигидир. Турк ҳокони Элтаришнинг саркардаси Тунюқуққа бағишланиб, 712-716 йилларда битилган бу асарни ҳарбий журналистиканинг илк ёдгорликлари қаторига киритса бўлади. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти” китобининг кириш қисмида таржимон Камол Матёкубов хоразмшоҳ Оловуддин Муҳаммад ва Жалолоддин Мангуберди фаолиятлари, Чингиз босқини даҳшатлари ҳаққоний тарзда ҳикоя қилинишида асар муаллифи ан-Насавийнинг Жалолоддин муншийси, шахсий котиби бўлгани, у билан бирга кўп масалаларни ҳал қилишда иштирок этганига эътиборни қаратади<sup>6</sup>. Мазкур манба муншийлар

<sup>5</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki>. Дата обращения: 12.08.2020.

<sup>6</sup> Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти, - Т.: Фан, 2018. – Б.11.

уруш ва жангларда давлат раҳбари билан бирга юрганини исботлайди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Ғ.Каримий Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-таворихи Муиний” китоби таржимасининг кириш қисмида бахшилар ҳақида тўхталиб, уларнинг вазифаси сафар давомида ҳар бир жанг ёки бошқа муҳим воқеа тафсилоти ҳамда жангда иш кўрсатганлар номини дарҳол, ҳатто ўша воқеа юз берган жойнинг ўзида қоғозга тушириш бўлганини, Амир Темур ҳарбий фаолиятига оид барча муҳим воқеалар ҳам ўз пайтида бахшилар томонидан туркий тилда битилгани ҳақида маълумотлар мавжудлигини айтади<sup>7</sup>. Ушбу фактлар мамлакатимиз тарихида бугунги кундаги ҳарбий журналистикага ўхшаш фаолият бўлганлиги хусусида хулосага олиб келади. Подшолар, саркардалар, қўшин бошлиқлари ёнида юриб, маълумот тўплаган битикчи, бахши, воқеанавис, тарихчиларнинг фаолияти юртимиздаги ҳарбий журналистиканинг дастлабки кўринишлари, деган гипотезани чуқурроқ тадқиқ этиш Ўзбекистон ҳарбий журналистикаси истиқболида муҳим аҳамият касб этади.

Туркистонда чоп этилган дастлабки ҳарбий нашрлардан бири - “Туркестанская военная газета” ҳақида А. Добросмысловнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимида 319-сонли инвентарда сақланаётган “Ташкентъ въ прошломъ и настоящемъ” номли китобидан топилди<sup>8</sup>. Тарих фанлари доктори, профессор Н.Абдуазизованинг “Тошкент матбуоти” монографиясида яна бир ҳарбий газета “Солдатский листок” - “Правда”(1906) ҳақида маълумот келтириб ўтилади<sup>9</sup>.

Шўролар даврида мамлакатимизда чоп этилган ҳарбий нашрлар ҳақидаги маълумот Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимидан топилди. Кутубхонада “Раненый Красноармеец”, “Красный фронт”, “Красноармеец”<sup>10</sup>, “Красная звезда”<sup>11</sup> каби газеталар нусхалари учради.

Тарих фанлари доктори, профессор Н.Абдуазизова ўзининг “Тошкент матбуоти” монографиясида Ўзбекистонда шўролар даврида ҳарбий журналлар чоп этилгани ҳақида маълумот беради<sup>12</sup>. В.П. Шорников Ўзбекистонда чоп этилган ҳарбий журналлар хусусида маълумотлар бериб, 1918-1924 йилларда Туркистонда рус тилида 35 номда ҳарбий газета ва уларга 6 та илова чоп этилганини материалида келтириб ўтади<sup>13</sup>. Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси Н. Хамаев “Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуролли

<sup>7</sup> Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. Т: Ўзбекистон, 2011. – Б.3-4.

<sup>8</sup> Добросмысловъ А. Ташкентъ въ прошломъ и настоящемъ. -Т.: Эл. –паров. типо-лит, 1912. -С.285.

<sup>9</sup> Абдуазизова Н. Тошкент матбуоти. Т.: Академия, 2010. – Б.7-8.

<sup>10</sup> А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлими, Г-16 (сб)

<sup>11</sup> А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлими, Г-40

<sup>12</sup> Абдуазизова Н. Тошкент матбуоти. Т.: Академия, 2010. – Б.65.

<sup>13</sup> Шорников В.П. Военная печать как источник изучения истории гражданской войны в Туркестане // Историография, источниковедение истории Компартии Туркестана. Материалы научно-теоретического симпозиума, состоявшегося 28—29 января 1988 г. в г.Ташкенте. Т.:1989. - С.159-160. ([https://sklyarevskiy.live journal.com/1778011.html](https://sklyarevskiy.livejournal.com/1778011.html)). Дата обращения: 10.11.2020

ҳаракат ва ҳарбий матбуот” номли мақоласида ҳарбий журналлар ҳақида маълумот келтиради<sup>14</sup>. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши ҳарбий журналистикасининг ривожланиши, ўзбек тилидаги фронт газеталари билан боғлиқ масъулиятли давр тарих фанлари доктори, профессор Н. Абдуазизова, тарих фанлари доктори, профессор Р. Шамсутдиновнинг ишлари асосида кўриб чиқилди. Чор Россияси мустамлакаси ва шўролар даврида юртимизда чоп этилган ҳарбий нашрлар мустабид тузум кўзлаган сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий мақсадларга хизмат қилиши, кўпроқ авторитар матбуотга хос жиҳати билан характерланади.

Бугунги медиа маконда ҳарбий журналистиканинг ўрни ОАВнинг қуроли низоларни ечишда ортиб бораётган роли билан ўлчанади. “Бугун ривожланган давлатларда тегишли тарзда ахборот тайёргарлигисиз ҳеч бир фаолиятни олиб бориб бўлмайди. Уруш – адолатли, душман – золим, ўз жангчилари ҳақиқий қаҳрамон бўлиб кўриниши талаб этилади”, деб ёзади филология фанлари доктори, профессор Г.Почепцов<sup>15</sup>.

Ҳарбий матбуотнинг медиа макондаги ўрни уруш ва қуроли тўқнашувлар шароитида қанчалар муҳим эканлиги тарғибот аппарати сифатида кўлами кенгайган биринчи жаҳон уруши, тарғиботни молиялаштириш ва медиани бошқариш механизмлари кенгайган иккинчи жаҳон уруши, ахборот ва ОАВни бошқаришга қаратилган бугунги муҳорабалар мисолида кўрсатиб берилди.

Қуроли Кучларнинг Ўзбекистон суверенитети, ҳудудий яхлитлигининг, халқимиз тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам қалқони, миллий армияни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар янги тарихимиз саҳифаларида улкан воқеа эканлигини, унинг юксак маънавий асосда шакллантирилаётганини таъсирчан воситалар орқали очиб бериш каби вазифаларда ҳарбий ОАВнинг роли муҳимдир. Бунда Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини ҳарбий хизматчиларнинг онгига чуқур сингдириш, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини ошириш, ёш авлоднинг ватанпарварлик туйғуларини, ҳарбий касбларга қизиқишини ошириш, фуқароларнинг ҳарбий соҳага оид ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш, тинч ҳаёти ва хавфсизлиги ҳимоя қилинишини таъминловчи сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий ва бошқа тусдаги чора-тадбирлар тизими моҳиятини тушунтириш Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсатида ҳарбий ОАВнинг аҳамияти ва ўрнини кўрсатиб беради.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, Ўзбекистонда ҳарбий журналистика илмий-назарий асосларини ўзбек журналистикаси тарихий илдизларига, ҳарбий журналистиканинг медиа маконда ортиб бораётган ўрни ва аҳамиятига, мамлакат мудофааси соҳасида янгича тафаккур ривожланишидаги жараёнларга қараб ўрганиш муҳимдир.

<sup>14</sup> Хамаев Н. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятига қарши қуроли ҳаракат ва ҳарбий матбуот // Ўтмишга назар. - Тошкент, 2019. - № 10. -Б. 69-77. <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2019/09/tarix-2019-10/69-78.pdf>. Мурожаат вақти: 10.11.2020.

<sup>15</sup> Почепцов Г. Психологические войны. —М.: Рефл-бук, 2002. – С. 528

Диссертациянинг “**Ҳарбий журналистиканинг ривожланиш тенденциялари**” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон ҳарбий журналистикасининг мазкур соҳадаги ислоҳотлар жараёнидаги янги талқини, конвергенциялашув жараёнининг ҳарбий журналистика ривожига таъсири, ҳарбий журналистикада ҳуқуқий омил таҳлил қилинди.

Миллий армия қурилиши ва ривожланиши бўйича истиқболли йўналишлар, миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона, мувофиқлаштирилган ва изчил стратегия ҳарбий журналистика олдида муҳим вазифаларни кўйди. Мудофаа салоҳиятини оширишга қаратилган ислоҳотлардаги шаффофик, очиклик, ижтимоий фикрга таъсирчан воситалар орқали ахборотни етказиш ҳарбий матбуотда сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу қонун чиқарувчи орган, ҳарбий ҳуқуқ тизими вакиллариининг матбуотда фаоллашувида; куч тузилмалари масъулларининг ОАВда чиқишлари сони ортганида; округ кўшинларига оид ахборотларнинг кўпайганида; ижтимоий институтларнинг ҳарбий матбуотда фаоллашуви билан боғлиқ тенденцияларда кўзга ташланди ва ишда тадқиқ этилди. Мудофаа соҳасидаги ўзгаришларнинг ҳарбий матбуотда бундай тарғиботи ижтимоий фикрга таъсир этишда янги талқин ҳамда мудофаа қурилиши ва Қуролли Кучларни ривожлантириш борасида ижтимоий ахборот шаклланишига замин яратгани билан аҳамиятлидир.

Интернетнинг ҳаётимизга фаол кириб келгани, ахборот кўламининг кенгайиши, уни етказиб бериш ва тарқатишнинг янги воситалари, усуллариининг шаклланиб бораётгани анъанавий фикрлаш ва қарашларни ўзгартиришни тақозо этади. Интернет журналистиканинг конвергенциялашувини бошлаб берди ва соҳанинг алоҳида йўналиши сифатида шаклланимуда. “Онлайн журналистика ва медиада янги трендлар” китобида келтирилишича<sup>16</sup>, россиялик олима филология фанлари номзоди А.Качкаева конвергенцияни бизнес стратегияси, тактика, янги қолипга кўчиш, ахборотни йиғиш ва тарқатишда янги кўриниш сифатида таснифлайди. Тадқиқотда “Ватанпарвар” газетасидаги айрим материаллар кўриб чиқилганда, конвергенция жараёни мазкур таснифга хос тарзда шаклланаётгани кўзга ташланди.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, журналистик материаллар конвергентлиги Қуролли Кучлар нуфузини ошириш, жамоатчиликда миллий армия ҳақида ижобий имижни ривожлантириш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар, маънавий-руҳий барқарорлигини таъминлаш, аудиторияда ватанпарварлик, мардлик, жасорат, матонат каби фазилатларни тарбиялаш, китобхонлик тарғиботини ривожлантиришга қаратилган. Материаллар конвергентлигида замонавий ахборот коммуникация технологиялари ютуқларидан, техник ноу хаулардан самарали фойдаланишга, яъни оммабоп мақолаларнинг аудиоматнни тинглаш<sup>17</sup>, қизиқарли материаллар асосида

<sup>16</sup> Муратова Н. Қосимова Н. Алимова Г. Дадахонов А. Илёсхонова А. Холматова С. Ҳақимова Н. Онлайн журналистика ва медиада янги трендлар. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – Б. 286.

<sup>17</sup> “Ватанпарвар” газетаси, 2020 йил 26 июнь.

тайёрланган видеороликни томоша қилиш<sup>18</sup> учун QR код саҳифада эълон қилинишига аҳамият берилаётгани эътиборни тортади.

Ўзбекистон ҳарбий журналистикасига фаол кириб келаётган конвергенция жараёнлари билан боғлиқ янги тенденция ҳарбий ОАВ учун медиа маконда барқарор ўринни яратиш ва интеграциялашувни тезлаштириш, ахборотларни тезкор, таъсирчан ва сифатли узатиш имконини ошириш, аудиторияни кўпайтириш, медиа менежмент ва медиамаркетинг ривожланишига замин яратади.

Ҳарбий журналистиканинг асосий объекти бўлган ҳарбий соҳада ҳарбий сирлар билан боғлиқ маълумотлар, ахборотлар учрайдики, бунда қонуний чеклашлар белгиланади. Яъни бундай ахборот ва маълумотлар ҳар бир давлатнинг қонунларига мувофиқ муҳофаза этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”, деб белгилаб берилган<sup>19</sup>. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари” тўғрисидаги қонунининг 11-моддасида шундай ёзилган: “Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак”.

Конфиденциаллик муайян ахборотга эга бўлган шахснинг уни бошқаларга рухсатсиз тарқатмаслигидир. Журналист, жумладан ҳарбий журналист айнан қайси ахборот конфиденциал эканлигини, ундан тўғри фойдаланиш ва тарқатиш талабларини билиши керак.

Мамлакат мудофаасини ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахборотни чеклаш билан боғлиқ масала айниқса қуролли тўқнашув ва ҳарбий низолар жараёнида яққол кўзга ташланади. Масалан, Россия империяси амалдаги армияда ҳарбий мухбирларнинг фаолияти бўйича етарлича меъёрий-ҳуқуқий базага эга бўлган ҳолда урушга киришади. Биринчи жаҳон уруши бошланганидан кейин 1914 йилнинг 20 июлида “Ҳарбий цензура тўғрисида муваққат низом” имзоланган бўлса-да, ҳужжат олдиндан тайёрлаб қўйилади<sup>20</sup>. Биринчи жаҳон урушида АҚШ ҳам мудофаа ва давлат хавфсизлиги муҳофазаси мақсадида матбуотни назорат қилиш институтини жорий этади. Матбуотни бошқариш бўйича АҚШ ҳукумати ҳузурида Ижтимоий ахборот кўмитаси (Си-Пи-Ай)га асос солинади ва 1917 йил майдан расмий бюллетень чиқарила бошланади<sup>21</sup>.

<sup>18</sup> “Ватанпарвар” газетаси, 2020 йил 28 август.

<sup>19</sup> <https://constitution.uz/uz/clause/index>. Дата обращения: 12.08.2020.

<sup>20</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/военный\\_корреспондент](https://ru.wikipedia.org/wiki/военный_корреспондент). Дата обращения: 12.08.2020.

<sup>21</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/военный\\_корреспондент](https://ru.wikipedia.org/wiki/военный_корреспондент). Дата обращения: 12.08.2020.

Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиши, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда ҳозир бўлиши билан боғлиқ ҳуқуқлари белгиланади<sup>22</sup>. Бу ҳарбий журналист фаолиятида энг муҳим мезонлардан ҳисобланади. Тадқиқот давомида асосан ҳарбий ёки ҳарбийлашган идораларнинг очик ёки ёпик характердаги хизмат йиғилишлари, халқаро ҳарбий ҳамкорлик доирасидаги учрашувлар, ҳарбий қисм ёки муассасалар, уларга қарашли полигонлардаги тадбирларда, давлат сири ёки ҳарбий сирни ташкил этувчи маълумотлар билан ишлайдиган ҳарбий хизматчилар билан мулоқотда чекланган ахборотлар, ҳарбий сирлар учрашига эътибор қаратилди. Мудофаа вазирлигида ўтказилган ҳарбий коллегия йиғилиши ҳақида ахборот<sup>23</sup> таҳлил этилганда, унда қандай масалалар кўриб чиқилгани, нималар муҳокама қилингани, айрим мансабдор шахслар лавозими, исми-шарифи, ҳарбий унвони ёпиқлигича қолганлиги кўзга ташланди. Жанговар тайёргарлик, сафарбарлик, чақирув, разведка, қурол-аслаҳа, молия, ёнилғи таъминоти, ҳарбий тиббиёт ва бошқа йиғилишларда кўшиннинг жанговар, сафарбарлик тайёргарлиги, қурол-аслаҳа, тиббий таъминоти каби масалаларда ҳам чекланган ахборотлар учраши мумкин. Полигонлардан ҳарбий журналист ахборот тайёрлаганда ҳарбий қисм, дала-ўқув майдони қаерда жойлашгани, ҳарбий хизматчилар қайси кўшин турига қарашли эканлиги, қурол-аслаҳа ҳамда техникалар русуми ва бошқа баъзи саволлар фойдаланиш чекланган ахборот борлиги сабаб очик қолади. Хизмат фаолияти, касби билан боғлиқ маълумотлар давлат сири ёки ҳарбий сир бўлган ҳарбий хизматчилар ҳақида материал тайёрланганда чекланган ахборот ошкор этилмайди. Бу унинг лавозими, қаерда хизмат қилаётгани, касбий фаолияти, кўл остидаги ходимлар, айнан қайси хизматлари учун давлат мукофоти билан тақдирлангани бўлиши мумкин. Ахборотнинг муҳофаза қилиниши ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш тамойилларига фаолияти давомида бошқа ҳамкасбларига қараганда кўпроқ дуч келиши ҳарбий журналистдаги ижтимоий масъулият ҳиссини янада оширади. Ахборот муҳофазаси билан боғлиқ меъёрлар мамлакатни мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқаришидан асрайди.

Диссертациянинг **“Ҳарбий журналистикада ихтисослашув, жанр ва маҳорат масалалари”** деб номланган учинчи бобида ҳарбий соҳани ёритишда журналист ихтисослашуви муаммолари, мудофаа соҳасидаги ислохотларни ёритишда журналистика жанрларининг тадрижий такомилли, қуролли тўқнашув, экстремал шароитларда ҳарбий журналист фаолиятининг баъзи масалалари таҳлил қилинди.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й, №4-5.

<sup>23</sup> “Ватанпарвар” газетаси, 2012 йил апрель.



Ҳарбий соҳани ёритишда журналист ихтисослашувини таъминлаш Ўзбекистон мудофаа сиёсатида ҳарбий журналистиканинг тобора ортиб бораётган аҳамияти билан ўлчанади. Глобаллашув, замонавий ахборот коммуникация технологиялари ҳарбий журналистдан универсалликни талаб этаётган бир шароитда ихтисослашувга интилиш тенденциясига ҳам жиддий эътибор қаратиш мудофаа соҳасида янги Ўзбекистонга мос ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақидаги ахборотнинг фуқаролар онгида мустаҳкам ўрин олишида, журналистик материал мазмун-моҳияти, ижтимоий-ижодий вазифалар самараси янада ошишида муҳим ўрин тутади. Ҳарбий соҳани ёритишга ихтисослашув билан боғлиқ масала айрим республика, вилоят, туман, тармоқ нашрларида чоп этилган материаллар мисолида таҳлил қилинди. “Янги Ўзбекистон”<sup>24</sup>, “Халқ сўзи”<sup>25</sup>, “Правда Востока”<sup>26</sup>, “Хуррият”<sup>27</sup>, “Ишонч”<sup>28</sup>, “Ўзбекистон овози”<sup>29</sup>, “Жамият”<sup>30</sup>, “Фарғона ҳақиқати”<sup>31</sup>, “Пахтачи”<sup>32</sup> каби нашрлардаги чиқишлар ихтисослашув билан, хусусан давлатнинг мудофаа соҳасидаги сиёсати устуворликлари материалларда тўлақонли акс этмаслиги билан боғлиқ муаммоларни юзага чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида 2019-2020 ўқув йилидан Ҳарбий журналистика йўналиши очилиши, мазкур олий таълим муассасаси ҳузурида 2019 йил апрелидан ҳарбий журналистларни қайта тайёрлаш курси ташкил этилиши соҳага ихтисослашув билан боғлиқ масалани ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тадқиқот давомида мазкур муаммони ҳал этиш учун ҳарбий ОАВда журналистлар учун стажировкаларни ташкил этиш, куч тузилмалари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, полигонларда кечадиган амалий ўқув машғулотларига журналистларни мунтазам жалб этиш, экстремал, уруш ва тўқнашувлар шароитларида журналистларнинг қандай ҳаракатланиши бўйича махсус тренинглар ташкил этиш каби таклифлар илгари сурилди. Бу таклиф ва тажрибалардан келиб чиқиб “Ихтисослашган журналистика” илмий-оммабоп нашрида ҳарбий журналистикага оид материал чоп этилди.<sup>33</sup>

Мудофаа соҳасида кечаётган кенг кўламли ислоҳотларни ОАВда ёритишда, жамоатчиликка етказишда журналистик асарнинг шакл-шамойили, мазмун-моҳиятини ифода этадиган журналистика жанрларини ўз ўрнида

<sup>24</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 12 январь.

<sup>25</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 7 январь.

<sup>26</sup> “Правда Востока” газетаси, 2021 йил 15 январь.

<sup>27</sup> “Хуррият” газетаси, 2021 йил 13 январь.

<sup>28</sup> “Ишонч” газетаси, 2021 йил 14 январь.

<sup>29</sup> “Ўзбекистон овози” газетаси, 2021 йил 13 январь.

<sup>30</sup> “Жамият” газетаси, 2021 йил 14 январь.

<sup>31</sup> “Фарғона ҳақиқати” газетаси, 2021 йил 12 январь.

<sup>32</sup> “Пахтачи” газетаси, 2021 йил 12 январь.

<sup>33</sup> Қосимова Н., Хидиров Қ., Сафаров А., Саидов Х., Ортиқова Ю., Исомиддинова М., Дўсимбетова Н., Абдурахмонова М., Саидова М. Ихтисослашган журналистика. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019.– Б.375-421.

кўллаш муҳимдир. Шу нуқтаи назардан ахборот, таҳлилий, бадиий публицистик жанрларнинг аҳамияти материаллар таҳлилида кўриб чиқилди.

